# Масжидни тоза тутиш




05:00 / 01 март 3024

???? ????? ????????? ?????? ????? ??????: ?????
??????? ???????? ???? ????????? ????????? ?????
??????? ???????????? ???????? ????????
?????????? ??? ???? ???? ???? ??????? ?????????:
?????? ?????: «??????? ???????? ?????????????
????? ????????? ????? ????????»? ???????
???????? ???????? ???????. ??????? ????????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир қора киши ёки аёл масжидни тозалаб юрар эди. У вафот қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда сўрадилар. «У вафот этди», – дейишди. «Буни менга билдирсалорингиз бўлмасмиди? Менга унинг қабрини кўрсатинглар!» – дедилар ва унинг қабрига бориб, (жаноза) намоз ўқидилар».

Учовлари ривоят қилишган.

???? ?????? ?????? ????? ??????? ???? ??????????
??? ???? ???? ???? ?????: «???????? ???????
??????? ???????? ?????? ?????????? ???????????
????????? ???? ???????????? ?????????? ???????
??????? ???????? ?????? ???? ??????? ????????
???? ??????? ???? ?????????? ???? ?????
?????????? ?????? ????? ?????????». ??????? ?????
??????? ????????????????.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга умматимнинг ажрлари, ҳаттоки кишининг масжиддан чиқарган чўпи ҳам кўрсатилди. Менга умматимнинг гуноҳлари ҳам кўрсатилди. Қуръондан бир сура ёки оят берилган одамнинг уни унутганидан кўра каттароқ гуноҳни кўрмадим», – дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

???? ????? ??????: ????? ?????? ????? ?????????
???????? ??????? ????? ??? ???? ???? ???? ?????
????????. ??????? ????? ???????.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини ҳар жума куни хушбўй қилардилар».

Абу Яъло ривоят қилган.

***«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан***